



САНОАТНИ КЛАСТЕРЛАШТИРИШДА КЛАССИК ЁНДАШУВЛАР

PhD Давлятов Бекзод

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

ORCID: 0009-0003-9915-771X

bekzod8201@mail.ru

Аннотация. Мақолада иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири бўлган кластерлаштириш жараёнининг назарий таҳлили, кластер ёндашувини амалга оширишда вужудга келадиган асосий муаммолар, қисман хориж тажрибаси тўғрисида сўз юритилади.

Калит сўзлар: кластерлаштириш, интеграция, “энг яхши амалиётлар”, қўшимча қиймат.

КЛАССИЧЕСКИЕ ПОДХОДЫ К ПРОМЫШЛЕННОЙ КЛАСТЕРИЗАЦИИ

PhD Давлятов Бекзод

Ташкентский институт текстильной и легкой промышленности

Аннотация. В статье рассматривается теоретический анализ процесса кластеризации, который является одним из основных направлений экономических реформ, основные проблемы, возникающие при реализации кластерного подхода, а также частично зарубежный опыт.

Ключевые слова: кластеризация, интеграция, «лучшие практики», добавленная стоимость.

CLASSICAL APPROACHES TO INDUSTRY CLUSTERING

PhD Davlyatov Bekzod

Tashkent Institute of Textile and Light Industry

Abstract. The article discusses one of the key areas of economic reform, the theoretical analysis of the clustering process, the main problems arising in the implementation of the cluster approach, and in part, the foreign experience.

Keywords: clustering, integration, “best practices, value added.”

Кириш.

Саноатни кластерлаштириш сиёсатини олиб боришда мамлакатнинг реал ички имкониятларини ҳисобга олиш, амалга ошириш жараёнида объектив омилли таҳлил ўтказиш, тармоқлар кесимида кластерларга айнан бир хилда эмас, балки турлича ёндашувлар нуқтаи назаридан қараш мақсадга мувофиқ

Мамлакат иқтисодиётида рўй бераётган ўзгаришлар, олиб борилаётган ислохотларни кузатиш ва таҳлил қилиш унда янги тенденцияларнинг шаклланаётганлигини кўрсатади. Етакчи тармоқлар тузилмавий ўзгаришларни амалга ошириб, ташкилий жиҳатдан кластерлар деб аталувчи биз учун ноанъанавий ҳисобланган ташкилий бошқарув шаклига ўтмоқдалар. Албатта, янги ташкилий тузилмаларнинг вужудга келишини ижобий баҳолаш мумкин, ammo ушбу тузилмаларни ташкил этишда ва самарали фаолият олиб боришида эътибор қаратиш лозим бўлган айрим жиҳатлар ҳам борки, уларни чуқур омилли таҳлилдан ўтказиш ва таъсир этиш даражасини баҳоламоқ зарур.

Хусусан, кластерларни ташкил этишда бир қанча назарий қарашлар мавжуд, улар бир-биридан у ёки бу жиҳати билан фарқланади. Ҳар бир назария маълум шароитларда самарадор ҳисобланади, яъни уларни бутун мамлакат масштабида қўллаш тўғри эмас.

Аввало, биз учун янги ҳисобланган ушбу ташкилий тузилмаларнинг фаолиятига доир ҳуқуқий базани шакллантириш долзарб масала. Керакли ҳуқуқий асосларсиз ҳар қандай ислохот кутилган самарани бермайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 декабрдаги “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги ПҚ-2687 сонли Қарори пахта-тўқимачилик, тикув-трикотаж саноатида кластерлаштириш жараёнини бошлашга дастлабки ҳуқуқий асос сифатида хизмат қилди (Қарор, 2016). Ушбу Қарор қабул қилингандан кейинги даврда иқтисодиёт тармоқларини кластерлаштириш борасида яна бир қанча қарорлар қабул қилиндики, натижада, бугунги кунда кластерлар иқтисодий ривожланишнинг етакчи ташкилий тузилмаларидан бири бўлишга улгурди.

Адабиётлар шарҳи.

Халқ хўжалигини кластерлаштириш билан боғлиқ қарашларни таҳлил қилиш уларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш имконини беради:

Биринчи, Альфред Маршалл фикрларига асосланувчи, агломерация ва интеграция натижасида умумий ресурслардан бирга фойдаланиш натижасида эришиладиган самарага таянади. Бу назарияга кўра, кластер – бу битта мақсадни мўлжал оладиган ва умумий локал меҳнат бозоридан фойдаланиб шаклланадиган, бунинг натижасида самарага эришадиган ўзаро алоқада бўлган тармоқлар гуруҳи.

Иккинчи, худудий тармоқ кластерларидаги ишлаб чиқаришнинг ўзаро алоқалари самараси билан эришиладиган фирмаларнинг юқори даражада рақобатбардошлиги билан тушунтириладиган Майкл Портер (2003) назариясига таянади. Бу концепцияда фирмаларнинг географик яқинлиги кўп омиллар билан тушунтирилади: агломерацияда тежаш имконининг мавжудлиги, урбанизация, қийматни шакллантириш занжиридаги алоқалар, инновациялар ва бошқалар.

Учинчи, қиймат ташкил топиш занжирида етказиб берувчилар ўртасидаги муносабатлар, ижтимоий ва бошқа омиллар, тармоқлараро технологик алоқалар тўғрисидаги тасаввурларга асосланадиган саноат (техник-иқтисодий) кластерлар ҳақидаги назария (Расмий ҳисобот, 2006).

Кластер ёндашувини амалга ошириш йўлидаги муаммоларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: кластер сиёсатини амалга оширишдаги умумий муаммолар ва мамлакат ёки маълум худуддаги ижтимоий-иқтисодий ҳолат хусусиятларидан келиб чиқадиган муаммолар.

Кластер сиёсатини амалга оширишни қийинлаштирадиган асосий ўзига хослик – бу кластерларнинг қайси тармоққа тегишлилиги, жойлашуви ва ташкилий тузилмалари ўртасидаги фарқлардир.

Лизунов, Метелев ва Соловьевларнинг (2012) фикрича, ҳозирги вақтда тармоқларни кластерлаштириш ва уни ривожлантиришнинг мақсади сифатида маълум ташкилий шароитлар яратиб рақобатбардошликни таъминлашни кўрсатишимиз мумкин. Бунда ҳудудий ривожланишни тезлаштирадиган восита сифатида энг яхши стратегияларни қўллаш кўрилмоқда.

Кластерларни ташкил этишдан мақсад – ишлаб чиқаришни комплекслаштириш, у билан ягона технологик занжирда бўлган инфратузилмалар (таълим, консалтинг, сертификатлаштириш ва ҳ.к) ва бошқа хизматларни уйғунлаштириш асосида юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришдан иборат (Кодирова, 2023).

Турли даражадаги бошқарув идоралари хорижда қилинган ишларга таяниб кластерлаштиришда “энг яхши амалиёт”лар тажрибасидан фойдаланишга ҳаракат қилишади. Шунинг учун, кластер сиёсатини ишлаб чиқувчилар олдидаги ўткир муаммо – “энг яхши амалиётлар” дилеммасидир, чунки кластерни ривожланишида маълум бир ҳолатда самарали эканлигини кўрсатган чора-тадбирлар, бошқа ҳолатда самарасиз бўлиши мумкин. Бундан маълум бўладиги, кластер сиёсатининг қўлланилаётган инструментини олинган вазиятда фойдаланиш нақадар мақсадга мувофиқлигини баҳолаш зарур.

Бундан ташқари, бир хил мақсадлар ортидан қувиш бошқа муаммони – кластернинг фақат бир хил йўналишда ривожланишига сабаб бўлади. Бошқарув органлари ҳудуднинг рақобатбардошлигини ошириш учун инновацион кластерлар шакллантиришга ҳаракат қилишади, бироқ буни амалга оширишнинг реал имкониятлар мавжудлиги масаласи кўпинча четда қолади. Ҳудудлар мавжуд ресурслар ва имкониятлардан келиб чиқиб технологияларга инвестиция киритишлари мақсадга мувофиқ.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот илмий изланишларга асосланган бўлиб, унда абстракция, анализ ва синтез методлари орқали таҳлил қилинган. Шунингдек, дедукция усули орқали давлатнинг кластерлар борасидаги иқтисодий сиёсати ёритилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Кластерлаштириш йўлидаги муаммолардан бири – бу унинг сиёсийлаштирилишидир. Кўп ҳудудлар кластерлардан замонавий бренд сифатида фойдаланмоқда. Бирон саноат тузилмасини унга эътибор ва инвестицияларни жалб қилиш мақсадида кластер деб номлаш ҳоллари ҳам учраб турибди. Бунақа кластерлар “сиёсий жиҳатдан қўллаб қувватланувчи” тоифасига киради десак муболаға бўлмайди. Улар фаолияти чуқур иқтисодий таҳлил натижаларига асосан эмас, балки, сиёсий амбициялар нуқтаи назаридан баҳоланади. Натижада бугунги кунда ривожланишнинг муҳим шarti бўлган иқтисодий рақобат устунлигига эга бўлмайди. Афсуски, бундай тоифадаги “псевдокластерлар” ҳудудий ривожланиш дастурларига киритилади, лекин ривожланиши жуда қийик кечади ёки ривожланмайди.

Кластер сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда кейинги мушкуллик шуки, у кластерлаштириш жараёнига жалб қилинган турли томонларнинг манфаатларини бирлаштириши ва ўзаро боғлаши, ҳар хил, гоҳида бир-бирига зид келувчи манфаатларни ҳисобга олиб томонлар ривожланишини рағбатлантириши ва мотивлаштириши керак. Бундан ташқари, кластер сиёсати ҳокимиятнинг дурли даражаларида амал қилади ва уларни, албатта, мувофиқлаштириш талаб этилади (Марков, 2007).

Ўзбекистонда кластер ёндашуви етарли даражада ривожланмаганлигини эътиборга олиб, кластер сиёсатини муваффақиятли амалга оширишда асосий чекловлар ёки чегараларни аниқлаш учун ривожланган ва тез суръатларда ривожланаётган мамлакатлар кластер ташаббусларини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Кластерлаштириш дастурларида муҳим масалалардан бири – бу уларнинг сони қанча бўлиши кераклиги, шунингдек кластерлаштириш моделини танлаш тўғрисидаги масаладир. Илмий таҳлилларсиз бу сонни ва моделни билишнинг аниқ усули мавжуд бўла олмайди. Кластерларнинг оптимал сонини аниқлаш бир қанча индикаторлар комплексини илмий таҳлили натижасида амалга оширилади (ICDS 2018).

Кластерлар ташкил қилиш ва амалга ошириш, шунингдек, олинadиган иқтисодий самарадорлиги нуқтаи назаридан ривожланаётган, хусусан, МДХ мамлакатлари юқори натижаларга эришмоқда. Шу билан биргаликда, ривожланаётган мамлакатларда кластер сиёсатини қабул қилиш ва амалга оширишда объектив тўсиқлар ҳам борки, уларни инкор этиб бўлмайди.

Стокгольм (Швеция) стратегия ва рақобатбардошлик Маркази тадқиқотчилари илмий-тадқиқот ишлари натижаси ўлароқ кластерлар ташаббускорларини учта гуруҳини ажратишди: ҳукумат, бизнес вакиллари ва “донор” ташкилотлар (халқаро жамғармалар). Ташаббускор тушунчаси ўзида лойиҳани молиялаштирувчи тушунчасини акс эттиради. Аммо, молиялаштириш масаласида МДХ мамлакатлари ҳукуматлари ривожланган давлатларга қараганда пассивроқ ҳаракат қилишади. Шунинг учун, кўпгина МДХ давлатларида кластерлар асосий ташаббускорларининг катта улуши бизнес вакиллари ҳиссасига тўғри келмоқда. Эътиборли томони шундаки, кластерлар ривожланишининг дастлабки босқичларида ҳокимият органларининг ўрни катта. Шунини чуқур англаган ҳолда, мамлакатимизда кластерларни, айниқса, пахта-тўқимачилик кластерларини ташкил қилишда давлат органлари асосий майдонга чиқишмоқда, уларни бош ташаббускор деб аташ мумкин. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 мартдаги “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 230-сонли Қарорининг 1-илоvasида Республикада ташкил этиладиган ва кенгайтириладиган пахта-тўқимачилик кластерларининг рўйхати ва уларга ажратилadиган ер майдонлари қуйидаги 1-жадвалда келтирилган (Қарор, 2019).

Худудларимиз кесимида берилган юқоридаги жадвал маълумотаридан билиш мумкинки, худудлара кластерлар сони ва уларга ажратилаётган майдонлар бири-биридан сезиларли фарқ қилади. Самарқанд вилояти 5 та пахта-тўқимачилик кластерларига жами 49 307 гектар ер майдони ажратилаётган бўлса, Сирдарё вилоятида айни қарор бўйича ташкил этилган кластерга 3 030 гектар ажратилган. Бунда, хўжалик юритувчиларнинг моддий-техник базаси, салоҳияти, режалаштираётган лойиҳалари, худудларнинг шарт-шароитлари ва иқтисодий потенциали каби омиллар ҳисобга олинган.

Асосан, республика даражасидаги органлар томонидан ташаббус кўрсатилаётгани, худудий бошқарув органлари бу борада сустр ҳаракат қилаётганликларини салбий баҳолаш мумкин.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ривожланган давлатларда кластер сиёсатининг марказлашганлик даражаси турли хил. АҚШ, Германия, Ҳиндистон ва Хитойда кластер ташаббусларининг асосида маҳаллий бошқарув органлари туради. Буюк Британия, Франция, скандинавия давлатлари, ривожланаётган иқтисодиётга эга мамлакатларда эса марказий бошқарув органлари кластер сиёсатини шаклланишида устунликка эга (Давлятов, Закиров, Юлдашев, 2020).

1-жадвал

**Кластерлаштиришнинг биринчи босқичида (2016-2019 йй) пахта хомашёси
ҳосилидан пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш кластерлари ташкил этиладиган
ва кенгайтириладиган ҳудудлар рўйхати (Қарор, 2019)**

№	Ҳудуд, туман	Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш ташкилотчилари	Ер майdonи (га)*
I. Ташкил этиладиган пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш кластерлари			
1	Қрақалпоқистон Республикаси, Беруний тумани	“Beruniy cluster” МЧЖ	10 275
2	Бухоро вилояти, Бухоро, Жондор ва Ромитан туманлари	“WBM Romitex” МЧЖ	26 200
3	Жиззах вилояти, Зафаробод тумани	“Jizzax Kentex” МЧЖ	8 100
4	Жиззах вилояти, Дўстлик тумани	“Sangzor-textile” МЧЖ	11 000
5	Самарқанд вилояти, Пахтачи тумани	“Зиёвуддин текстиль” МЧЖ	8 170
6	Самарқанд вилояти, Пастдарғом ва Нуробод туманлари	“Самарқанд Камалак Инвест” МЧЖ	10 934
7	Самарқанд вилояти, Катақўрғон ва Нуробод туманлари	“Каттакурган кластер” МЧЖ	11 044
8	Самарқанд вилояти, Паяриқ ва Жомбой туманлари	“Самарқанд коттон кластер” МЧЖ	13 859
9	Самарқанд вилояти, Оқдарё тумани	“Корея-Самарқанд” МЧЖ	5 300
10	Сурхондарё вилояти, Узун ва Олтинсой туманлари	“Shashmohkashob” МЧЖ	6 572
11	Сурхондарё вилояти, Ангор ва Қизириқ туманлари	“Сурхондарё агро хизмат” МЧЖ	6 000
12	Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон ва Қумқўрғон туманлари	“Termez Jayhun Cluster” МЧЖ	15 582
13	Сирдарё вилояти, Сайхунобод тумани	“Poly Tex Sirdarya” МЧЖ	3 030
14	Фарғона вилояти, Боғдод тумани	“Fergana Spinning” МЧЖ	5 200
15	Фарғона вилояти, Бешариқ тумани	“Бешариқ текстиль” МЧЖ	8 000
16	Хоразм вилояти, Хазорасп тумани	“Great Cotton Export” МЧЖ	2 400
17	Хоразм вилояти, Хива тумани	“Khiva Cluster” МЧЖ	5 688
II. Кенгайтириладиган пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш кластерлари			
18	Жиззах вилояти, Шароф Рашидов тумани	“Jizzax Industrial To'qima” МЧЖ	800
19	Қашқадарё вилояти, Қарши тумани	“Sulton Teks Group” МЧЖ	4 800

20	Қаўқаларё вилояти, Касби тумани	“Indorama Kokand Textiles” МЧЖ ҚК	10 700
21	Наманган вилояти, Поп тумани	“Namangan Momiқ Sochiqlari” МЧЖ	10 302
22	Самарқанд вилояти, Нарпай тумани	“Мароканд Сифат” МЧЖ	3 717
23	Самарқанд вилояти, Оқдарё тумани	“Мароканд Сифат Текстиль” МЧЖ	500
24	Фарғона вилояти, Фурқат тумани	“Bulut Textile” МЧЖ	5 425
25	Жиззах вилояти, Пахтакор тумани	“Silverleaf BMB Agro Trade Group” ҚК	9 350
Жаъми			202 948

Европанинг ривожланган мамлакатларидан бири, юқори даражада кластерлашган иқтисодиётга эга Нидерландия қишлоқ хўжалигини саноат билан интеграцияси ҳисобига юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар улушини оширишга эришган (2-жадвал) (Раҳматов, Зарипов, 2018).

2-жадвал

Нидерландия ва Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалигини саноат билан интеграцияси таққосламаси¹⁵¹

Давлатлар	Аҳоли сони, млн.киши	Шудгорланган ерлар, минг га.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	
			АҚШ долл	1 гектар ҳисобига, АҚШ долл
Ўзбекистон	34,5	4 400,0	13,2 млрд	3 000
Нидерландия	16,0	1 038,4	131,0 млрд	131 000

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Нидерландия мамлакатимизга нисбатан 4,35 баробар кам шудгорланган экин майдонларига эга бўлиб, қиймат шаклида 10 баробар кўп ҳажмда маҳсулот шилаб чиқарган. Бундай натижа иқтисодиётнинг кластерлаштириш даражаси юқорилиги, давлатнинг ушбу йўналишда ташклий чора-тадбирларни тўғри олиб браётганлигини самарасидир.

Давлатлар ўртасидаги кластер сиёсатини таққослаш улар ўртасида марказлашганлик даражаси ва худудий жиҳатдан умумийлик борлигини кўрсатади: катта бўлмаган мамлакатларда у миллий даражада олиб борлади, йирик давлатларда эса худудлар миқёсида. Улкан иқтисодий ислоҳотлар ўтказаетган мамлакатларда миллий кластер сиёсатини юритиш зарур ва у кўпгина шарқий Европа давлатларида иқтисодий тараққиётнинг асосий инструменти сифатида ўзини кўрсатган.

Кластерлар шаклланишида худудий органларнинг ўрни катта, чунки худуднинг иқтисодий, ижтимоий-маданий, инфраструктура ва бошқа хусусиятлари ҳамда трендлар ички таҳлил натижасидагина ўз вақтида аниқланади. Шу билан бирга, кластерда асосий ўрин эгалловчи кичик ва ўрта бизнес субъектлари республика даражасидаги ҳокимият органлари билан чуқур ва самарали алоқалар ўрнатиш ҳолатида бўлмайд.

Худудий ва маҳаллий органлар корхоналар фаолияти ҳақида долзарб ва тўлиқ маълумотга эга бўлишади, улар маҳаллий бизнес жамияти ва кластер иштирокчилари

¹⁵¹ Маълумотлар 2020-2022 йиллар учун ўрта ҳисобда олинган.

билан узвий алоқалар ўрнатишга қодирлар ва бундан манфаатдордирлар. Худудий ҳокимият, илм-фан ва бизнес вакиллари биргаликда локал чақирувларга тезкор жавоб беришда, умумий худудий муаммоларни ечишда ҳаракатчан бўлади.

Ўзбекистонда кластерлаштириш жараёнида иқтисодий зоналар ва технологик паркларни ташкил қилиш улкан потенциалга эга. Аммо, бугунги кунда иқтисодий зоналар ва технологик паркларда фаолият соҳалари хилма-хил ва уларни кластерлашган, деб бўлмайди. Кластерлаштириш бўйича ишлар худуднинг инновацион салоҳиятини оширишга, инвестициялар жалб қилишга, шунингдек, янги бизнес соҳалари вужудга келиши учун қулай шароитлар яратишга йўналтирилган бўлиши керак. Бу бевосита таълим, инфратузилма ва бошқа лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ. Ушбу лойиҳаларнинг муаммолари сифатида, кластер фаолияти билан боғлиқ қарорларга сиёсий тус беришга уриниш ва маҳаллий шароитларни етарлича ҳисобга олинмаслик ҳолатлари билан бир қаторда, ҳамкор ўрнида йирик компанияларни, асосан, хорижий субъектларни жалб қилишга бўлган улкан хоҳиш мавжудлигини кўрсатишимиз мумкин. Ўта йирик компаниялар, таъбир жоиз бўлса, корпорацияларнинг кластерлаштириш жараёнида иштирок этиши худудга фойдали бўлиши билан бирга, меҳнат ресурсларининг бир томондан иккинчи томонга ўтиши, кичик корхоналарнинг йирик корхона томондан “ютилиши”, оқибатда корхоналарнинг мослашувчанлиги ва рақобат интенсивлигини пасайиши каби тааққалчиликни ҳам келтириб чиқаради.

Иқтисодий ислохотларни кенг миқёсда ўтказётган мамлакатларда кластерлаштириш сиёсатини амалга оширишнинг юқорида кўрсатиб ўтилганлардан ташқари қуйидаги “нозик” томонларини алоҳида кўрсатиш мумкин:

- кичик ва ўрта бизнеснинг тараққий этмаганлиги, профессионал корпоратив бошқарув маданиятининг пастлиги;

- тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш инфраструктурасини, яъни информацион, ташкилий ва ҳуқуқий қўллаб-қувватлашнинг ривожланмаганлиги;

- тадбиркорлар билан илмий, таълим муассасалари ўртасида ҳамкорликнинг етарли даражада ривожланмаганлиги;

- иқтисодий фаолият субъектлари ўртасида, асосан, бизнес вакиллари ва давлат ташкилолари ўртасидаги муносабатларда ўзаро ишончнинг пастлиги;

- кластерни ташкил қилиш ва ривожланишида негизи омилли шартларда (асосан, арзон ресурсларга эга бўлиш имкониятида) деб билиш (Марков, 2007).

Иқтисодиётнинг маълум тармоқларини кластерлаштиришдан кутиладиган натижалардан бири экспорт таркибини диверсификация қилинишидир. Ўзбекистон иқтисодиётида экспорт билан боғлиқ асосий муаммо сифатида унинг табиий ресурслар, энергия манбаалари ёки хомашё экспортига боғланиб қолганлигини кўрсатишимиз мумкин. Охириги йилларда давлат қайта ишлаш, хизматлар, тўқимачилик, қурилиш каби соҳаларни ривожлантириш саъй-ҳаракатларини олиб бормоқда, аммо энергия манбаалари, қимматбаҳо металллар экспорт таркибида катта улушга эга бўлиши давом этмоқда. Ушбу турдаги маҳсулотларнинг нархи ва уларга бўлган талабнинг тушиши Ўзбекистон иқтисодиётига ўта салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Иқтисодиётнинг тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш секторларининг рақобатбардошлиги етарли даражада эмас. Хомашё характеридаги маҳсулотлар секторида муаммолар вужудга келган вақтларда бошқа секторлар иқтисодиётни қўллаб-қувватлай олиш қобилиятига эга эмас. Натижада саноат ишлаб чиқаришининг тушиши, ишсизликнинг ошиши, иш ҳақининг пасайиши каби салбий ҳолатлар келиб чиқиш эҳтимоли кучаяди. Энергия манбаалари ва қимматбаҳо металллар каби экспортнинг асосий маҳсулотлари республика даражасидаги давлат ташкилотларига тегишли эканлигини ҳисобга олсак, юқоридаги салбий ҳолатлар бутун

мамлакатга таъсир этишини англаш мумкин. Шунинг учун кластерлаштиришдан кутиладиган натижалардан бири сифатида мамлакат иқтисодиётида экспорт таркибини диверсификация қилиш, уни айрим соҳа ва тармоқларга боғлиқлигини камайтириш деб кўрсатиш мумкин.

Хулоса ва таклифлар.

Мақолада келтириб ўтилган назарий қарашлар, амалга оширилаётган ишларнинг қисқача таҳлили, хорижий мамлакатлар кўрсаткичлари ва услубларидан шуни хулоса қилиш мумкинки, ҳудудий ишлаб чиқариш кластерлари кичик ва йирик (ўрта) бизнесни интеграцияси ва қўллаб-қувватлаш шакли бўлмоғи лозим. Яъни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича анъанавий макроиқтисодий ва соҳавий ёндашувларни ишлаб чиқариш кластерлари шаклланиши кўринишида намоён бўладиган ҳудудий ёндашувлар билан тўлдириш мақсадга мувофиқ. Шу нуқтаи назардан, ҳудудларни кластерлаштириш сиёсати қуйидаги йўналишларни ўз ичига олиши керак, деган фикрдамиз:

- ҳудудий даражада иқтисодий кластерларнинг ривожланиш ҳолатини аниқлаш ва мониторинг қилиш, шу жумладан, кластер структурасини, унинг алоҳида бўғинларининг ҳудудий локализациясини, ташқи бозорда ривожланиш истиқболларини таҳлилий тадқиқ этишни биргаликда молиялаштиришни аниқлаш, ҳудудга ва ижтимоий соҳага таъсирин баҳолаш;

- ҳудудий кластерларнинг потенциал иштирокчилари учун коммуникация майдончаси, платформасини шаклланиши, шу жумладан, уларнинг ҳудудлар ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш ва муҳокама қилиш жараёнларига интеграцияси, кластер сиёсатини шакллантиришда ҳудудларнинг тажриба алмашиши кабиларни таъминлаш;

- иштирокчи корхоналарнинг ташқи бозорга чиқиш бўйича ҳаракатлар дастурларини амалга ошириш, қўшма маркетинг тадқиқотлари ва реклама тадбирларини ўтказиш, кластерларнинг асосий иштирокчилари билан келишилган ҳолда таълим дастурларини амалга ошириш, корхоналар ва таълим муассасаларини кооперациясиги ва коммуникациясига имконият яратиш;

- ҳудудларда ахборот-коммуникацион инфраструктураларни ривожлантириш;

- ҳудудий иқтисодий кластерларнинг ривожланиши учун институционал муҳит шакллантириш.

Иқтисодиётни кластерлаштириш жараёни юқорида айтиб ўтилган йўналишларда олиб борилиши унинг самарасиз шаклланиши ўз вақтида аниқлаш, мавжуд ресурсларни энг самарали лойиҳаларга йўналтириш ҳисобига янги иш ўринлари яратиш, юқори қўшимча қиймали маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилишини таъминлайди.

Адабиётлар / Литература / Reference:

(ICDS 2018) *Abla Chaouni Benabdellah, Asmaa Benghabrit, Imane Bouhaddou.*

A Survey of clustering algorithms for an industrial context. Second International Conference on Intelligent Computing in Data Sciences (ICDS 2018).
<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S1877050919300225>

Давлятов Б.А., Закиров А.А., Юлдашев С.Н. (2020) Кластерлаштириш: классик қарашлар ва ташкил қилишдаги муаммолар. *Логистика ва иқтисодиёт (илмий электрон журнал)* 3-сон.

Кодирова Х.И. (2023) Саноатни кластерлаштириш зарурияти (пахта-тўқимачилик саноати мисолида). *Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil. Jild 1 № 7. 311-315 бет.*

Қарор (2016) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 декабрдаги “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги ПҚ-2687 сонли Қарори.

Қарор (2019) Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 апрелдаги “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 230-сонли Қарори.

Лизунов В.В., Метелев С.Е., Соловьев А.А. (2012) Кластеры и кластерные стратегии. Монография. Издание 2-е. – Омск.

Марков Л.С. (2007) Проблемы реализации кластерной политики в России // Научный эксперт. – 2007, - №4. URL – <http://www.cluster-center.ru/about1.html>.

Портер М. (2006) Экономическое развитие регионов / Портер М. Пространственная экономика. – 2006, № 4; -2007, № 1.

Расмий ҳисобот (2006) Определение территориальных зон потенциального развития кластеров. Отчет о выполнении работ по Государственному контракту №13.14.6/101 от 10 ноября 2006 года. (сайт Министерство экономического развития).

Раҳматов М.А., Зарипов Б.З. (2018) Кластер – интеграция, инновация ва иқтисодий ўсиш. Рисола. “Zamin nashr”.